УзССР Давлат китоб палатаси
40495

*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси**

31 март, жума, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 63 (1065)

## ПРЕЗИДЕНТ КИШИНЕВГА ЖЎНАБ КЕТДИ

30 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Молдова Республикасига жўнаб кетди.

— Маълумки, сўнгги пайтларда собиқ Иттифоқ республикаларининг айримлари, жумладан, Молдова билан иқтисодий-маданий алоқалар сезиларли даражада узилиб қолди. Ушбу сафардан мақсад ана шу алоқаларни қайта тиклашдир, — деди мамлакатимиз раҳбари журналистлар билан суҳбатда, — сафаримиз чоғида давлатларимиз ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги, иқтисодий, маданий ҳамда илм-фан соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган кўплаб ҳужжатларни имзолашни кўзда тутаяпмиз.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президентини Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Олий Мажлис Раиси ўринбосари Б. Бугров, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиш чоғида Молдова Республикасининг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Н. Мийня ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

## ИНДОНЕЗИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Индонезия Республикаси Президенти Сухарто 8-10 апрель кунлари Ўзбекистонга расмий ташриф буюради.

## ТАШРИФ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**КИШИНЕВ, 30 март. (ЎзА махсус мухбири Ўктам Мирзаёр хабар қилади).**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Молдова Республикаси Президенти Мирча Снегур таклифига биноан бу ерга давлат ташрифи билан келди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган Кишинев аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президентини тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Молдова Президенти Мирча Снегур Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни самолёт пиллапоялари ёнида ҳурмат-эҳтиром билан қарши олди. Таомилга кўра, азиз меҳмонга нон-туз тутилди, анвойи гуллар тақдим этилди.

Юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Молдова Давлат мадҳиялари янгради. Президент Ислом Каримов Президент Мирча Снегур ҳамроҳлигида фахрий қоровул сафлари ёнидан ўтди. Президентлар расмий делегация аъзолари билан танишдилар.

Шу куни Молдова Президенти қароргоҳида икки давлат раҳбарлари ташқи ишлар вазирлари иштирокида тор доирада музокаралар ўтказдилар.

Бир пайтнинг ўзида давлат тантаналари саройида икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган ҳукуматлараро битимларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Тор доирадаги суҳбатдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Молдова Республикаси Президенти М. Снегур кенгайтирилган таркибда музокаралар ўтказиш учун давлат тантаналари саройига келишди. Музокаралар ниҳоясида икки давлат бошлиқлари томонидан ўзаро ҳамкорликка оид бошқа қўшма ҳужжатлар ҳам имзоланди.

Маросим якунида Президентлар журналистлар билан учрашиб, ўтказилган музокаралар якуни хусусида сўзлаб бердилар. Оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Президент Ислом Каримов ва Президент Мирча Снегур шу куни Молдованинг халқ хўжалиги тармоқлари, йирик саноат корхоналари раҳбарлари ҳамда тадбиркорлари билан учрашди.

Оқшом Молдова Республикаси Президенти Ўзбекистон раҳбари шарафига зиёфат берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Молдова Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА).**

## ТОШКЕНТИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ БЎЛАДИ

30 март куни мамлакатимиз пойтахтининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод этиш ишларининг боришини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари ва туман ҳокимлари, алоқадор вазирлик ва идоралар, бошқарма ва корпорациялар, концерн ва уюшмалар, ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтларининг раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги қарорининг қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала муҳокама этилди. Ушбу масала хусусида тегишли ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Қисқа вақт мобайнида пойтахтнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш бўйича муҳим вазифалар муваффақиятли бажарилгани, хусусан, Сағбон, Қорасарой, Форобий, Чимбой каби кўчаларда амалга оширилган кўп ишлар диққатга сазовор экани мажлисда таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга, бузилиши лозим бўлган уйларда яшовчи барча аҳолини янги уй-жойларга ўз вақтида кўчиб ўтишини таъминлаш зарурлиги қайд этилди, айрим камчилик ва муаммоларга, уларни ҳал қилиш йўлларига эътибор қаратилди.

Мажлисда, шунингдек, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллиги байрами муносабати билан барпо этилаётган иншоотларда бажарилаётган ишларнинг бориши кўриб чиқилди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

**(ЎзА).**

*• Деҳқон далага чиқди*

## ОҚ ФОТИҲА БЕРИЛДИ



Айни кунларда бутун республикамизда дала ишлари авж олиб бормоқда. Наманган вилояти деҳқонлари ҳам ҳар дақиқани ғанимат билиб, экин-тикин ишларини ўз вақтида намунали ўтказишга астойдил бел боғлашган. Ана шу мақсадда яқинда Уйчи туманида баҳорги дала ишларини намунали ташкил этиш юзасидан кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги барча қишлоқ хўжалигига алоқадор ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислар, жамоа хўжаликлари раислари иштирок этдилар. Семинар қатнашчилари тумандаги А. Навоий номли жамоа хўжалигида бўлиб, мавсумга шай қилиб қўйилган қишлоқ хўжалик техникаларини кўздан кечирдилар.



Шунингдек, семинар қатнашчилари тумандаги ўсимликларни ҳимоя қилиш штабига ҳам ташриф буюришиб, у ерда уруғлик пахта чигитига кимёвий усулда ишлов бериш, қишлоқ хўжалик экинлари заракунандаларига қарши курашувчи чанглатгич ва пуркагич аппаратлари фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари анжумани сўнггида туман маданият саройида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўтган йил якунлари ва бу йилги режалар атрофлича муҳокама этилди.

— Ўтган йили қишлоқ хўжалик соҳасида муайян ютуқларга эришдик, — деди вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Б. Рапиғалиев. — Лекин бу хотиржамликка берилиш учун асло асос бўлмайди. Бу йил янада улканроқ, залворлироқ ютуқларни қўлга киритиш учун ҳозирдан ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалик ходимлари ушбу анжумандан катта таассурот олдилар. Анжуманда баҳорги экин-тикин ишларига оқ фотиҳа берилди.

**А. МАДАТОВ,**
**Т. ҲАМРОҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ўткир Султонов 30 март куни Германиянинг «Сименс» акционерлик жамияти бошқаруви аъзоси Фолькер Юнг раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Ў. Султонов Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги алоқалар яхши ривожланиб бораётганини таъкидлар экан, бу алоқаларнинг мустаҳкамланишига «Сименс» муносиб ҳисса қўшаётганини айтди. Ўзбекистон жаҳонда катта обрўга эга бўлган «Сименс» акциядорлик жамияти билан ўзаро ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканини қайд этди.

Жаноб Ф. Юнг самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон заминидаги учрашувлар, музокаралар амалий ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш учун янги уфқлар очишини таъкидлади.

Ўзаро музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан «Сименс» акционерлик жамияти ўртасида узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг амалга оширилиш жараёни ҳақидаги протокол имзоланди.

Учрашувда Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Карл Хайнц Куна иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

Республика ҳукумати ва Марказий банк миллий валютанинг ички эркин айирбошланишини босқичма-босқич амалга ошириш юзасидан кўраётган чора-тадбирлар натижасида валюта бозорининг ресурс базаси кенгайиб, унинг қатнашчилари сони ортмоқда. Корхона ва ташкилотларнинг эркин айирбошланадиган валюта ҳисобидаги экспорт тушуми миқдори кўпайиб, бу билан ички валюта бозорини кенгайтириш учун зарур имкониятлар яратилмоқда.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 сентябрдаги 457-сон қарорига мувофиқ ўзига берилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, 1995 йил 1 апрелдан бошлаб бир жисмоний шахсга — Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки унга тенглаштирилган резидентга ваколатли банкларнинг махсус валюта алмашув пунктлари орқали сотиладиган эркин айирбошланадиган валюта ҳажмини 500 АҚШ доллари миқдорида белгилайди.

* * *

1995 йил 4 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида кредит ресурсларининг ҳар кунлик ким ошди савдолари ўтказилади. Ким ошди савдоларини ўтказишдан мақсад кредитларни унга энг муҳтож бўлган банклар ўртасида тақсимлаш ҳамда талаб ва эҳтиёж асосида аниқланадиган кредитлар бўйича реал фоиз ставкаларини белгилашдан иборатдир. Ушбу ким ошди савдоларида республика тижорат банклари, шунингдек, юридик шахслар ўзларига хизмат кўрсатаётган банклар орқали аризалари асосида қатнашишлари мумкин.

1995 йил 4 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида чет эл валюталари савдоси ҳафтада икки марта — сешанба ва чоршанба кунлари ўтказилади. Савдоларда валюта биржаси аъзоси бўлган ваколатли банклар қатнашадилар. Бошқа ваколатли банклар савдоларда чет эл валютасидаги операцияларни савдо қатнашчилари орқали амалга оширишлари мумкин. Юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш юзасидан операцияларни ўзларига валюта ҳисоб варақлари очган ваколатли банклар орқали бажаришлари мумкин.

## «СИМЕНС» ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛДИ

***30 март куни Тошкентда Германиянинг «Сименс» акционерлик жамияти ваколатхонаси очилди.***

— Бу муҳим ҳодиса мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ўтказилаётган сиёсий-иқтисодий ислоҳотларнинг мантиқий натижасидир, — деди ваколатхона очилиш маросимида «Сименс» акционерлик жамияти марказий бошқаруви аъзоси Фолькер Юнг. — Бу сиёсат ўзаро ҳамкорлик учун катта имкониятлар яратмоқда. Биз Ўзбекистонга узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш ниятида қадам қўймоқдамиз.

Қарийб бир ярим аср тарихга эга бўлган «Сименс» айни пайтда дунёнинг 190 мамлакатида ўз ваколатхоналарига эга. У асосан энергетика, телеалоқа тармоқлари, транспорт, тиббиёт техникаси ишлаб чиқариш билан машҳур.

«Сименс»нинг Ўзбекистон билан алоқаси тарихи узоқ йилларга бориб тақалади. Дастлаб «Сименс» телефон алоқаси ускуналари Тошкентга 1904 йилда кириб келган эди. 1993 йилда «Сименс» бошқаруви раиси Генрих Фон Пирернинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида имзоланган ҳужжат унинг мамлакатимиз билан ҳамкорлигини янги, ўзаро манфаатли асосда бошлашга имкон берди.

Шу кунларда мамлакатимизга «Сименс» акционерлик жамияти бошқарувининг катта делегацияси ташриф буюрди. У мамлакатимиз раҳбарияти, тегишли вазирликлар билан ўзаро ҳамкорлик юзасидан 50 тага яқин лойиҳаларни муҳокама этмоқда.

«Сименс»нинг Тошкентдаги ваколатхонаси германиялик ҳамкорларнинг мамлакатимиз билан алоқасини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

**(ЎзА).**

ГУЛИСТОН туманидаги Боёвут қишлоғи аҳолиси аввалари Сирдарё бўйида терак ўстиришиб, чор-атрофдаги қишлоқ аҳолисига сотишар эди. Мана бир йилдирки, қўшни қишлоқларда ҳам навниҳол тераклар бўй кўрсатиб қолди. Аммо боёвутликлар бу ишларни канда қилишгани йўқ.

## ТЕРАК ЭКМАГАН ХОНАДОН ЙЎҚ

Ҳозир деярли ҳар бир хонадонда терак экиш одат тусига кирмоқда. Ҳар бир уйнинг атрофида, томорқада ҳам, ариқу йўл четларида ҳам тераклар бор. Боз устига «Боёвут» жамоа хўжалиги аъзолари катта теракзор барпо қилишмоқда. Бу майдон экинга мўлжалланган ерлардан тортиб олинмади. Хўжалик ҳудудида ташландиқ ер бор эди, шуни эпақага келтиришди. Боёвутликлар ўзлари ўстирган, 5-6 йилда сифатли ёғоч берадиган терак қаламчаларини ихлос билан ерга қадашди. Ҳозир туманнинг бошқа хўжаликларида ҳам терак кўчатлари ўтказишга астойдил киришилган. Айниқса, бу фойдали иш аксарият қишлоқ хонадонларида амалга оширилаётганлиги кувончлидир.

**А. ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

**ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ**

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### ҚИШИН-ЁЗИН ҚАТНАШ МУМКИН

***Фарғона водийси шаҳарларини Тошкент билан туташтирадиган Қамчиқ довони йўл очилганидан буён ўтган 35 йил ичида бу йил биринчи марта беркитиб қўйилмади.***

Наманган йўлсозларининг ваъдаларига қараганда, эндиликда бу йўлдан қишин-ёзин қатнаш мумкин бўлади. Улар тоғ йўлининг энг хавфли жойларини таъмирлаш ва қайта қуриш юзасидан жуда катта ҳажмдаги ишни бажардилар. Зарур жойларда йўл кенгайтирилди, икки километрга яқин масофага қайтадан асфальт ётқизилди. Йўлнинг бурилиш жойларида 200 та бетон тўсиқ ўрнатилди. Қўқонлик йўлсозлар эса, йўлнинг 10 километрини обдон таъмирлашмоқда.

### «ОБОД»НИ ОБОД ҚИЛАЁТГАНЛАР



**Ҳазорасп туманидаги «Обод» жамоа хўжалиги механизатори Ойбек Дўстчоновнинг ҳали трактор рулини бошқараётганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ у мана шу қисқа давр ичида техниканинг барча сир-асрорларини мукаммал ўзлаштириб олди.**

**СУРАТДА: механизатор Ойбек Дўстчонов.**

### СОДА ҲАМ ЎЗИМИЗДАН ЧИҚАДИ

***Қўнғирот шаҳридан 40 километр масофада жойлашган Кийиксойда сода заводи қурилиши бошланди.***

Корхонани бунёд этиш мақсадида «Қўнғирот сода қурилиши» трести ташкил этилди. Шунингдек, автомобиль ва темир йўллари қуриш, сув, газ ҳамда электр тармоқларини барпо этиш учун пудратчилар тайинланди.

Қўнғирот сода заводи маҳаллий хомашё ҳисобига ишлаб, ўнга яқин тайёр маҳсулот ишлаб чиқаради. Корхона келтирган фойда Қорақалпоғистон бюджетининг 70 фоизини қоплай олади.

### БУЯМ ОМАД-ДА

***Жиззах вилоятида истиқомат қилувчи нафақахўр Авазбой Наврўзовга омад кулиб боқди.***

Куни кеча отахон республика Жамғарма банки бошқарувида зарур ҳужжатларни расмийлаштиргач, «Матлуботчи» ҳиссадорлик жамиятининг пойтахтдаги омборхонасидан «Совға» лотереясига ютган «Тико» енгил автомобилини қабул қилиб олди.

### ТАРИХ — ЎТМИШ ОЙНАСИ

***Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида янги китоблар — «Улуғбек яратган маънавият», «Шарқ табобати», «Касалликлар тарихи»ни нашрдан чиқарди.***

Маълумки, ўтган 1994 йил буюк аллома ва маърифатпарвар, давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик таваллуди кенг нишонланди. Ахтам Ўролов ва Мурод Ҳожихоновлар муаллифлигидаги «Улуғбек яратган маънавият» деб номланган китобча буюк бобокалонимиз маданий-маърифий меросининг ҳанузгача ўрганилмаган янгича қирраларини талқинини ўз ичига олган. Китобга Улуғбек даврининг шаҳарсозлик, меъморчилик ва муҳандислик санъати, боғдорчилик, тасвирий санъат, табобат соҳасидаги ютуқларни ўрганиш мавзу қилиб олинган.

### БОЛАЛАР УЧУН ТИББИЙ ЁРДАМ

***Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа регионал бюроси ҳамда ЮНИСЕФ болалар фонди томонидан инсонпарварлик ёрдами тариқасида полиомиелитга қарши ишлатиладиган вакцина олинди.***

Бу тиббий ёрдам республикамиздаги 3,5 миллиондан ортиқ 5 ёшгача бўлган болаларни икки маротаба эмлаш имкониятини беради.

### ЧИҚИНДИДАН МОМИҚ



**Қамаши момиқ тайёрлаш ҳиссадорлик жамияти пахта тозалаш заводларининг чиқиндиларини қайта ишлаб, мебель фабрикалари учун момиқ тайёрлайди. 300 га яқин ишчи меҳнат қилаётган ушбу корхона йилига 8 минг тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга.**

**СУРАТДА: корхона ишчиси Ойбаҳор Худойқулова.**

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР

*• Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика ресурслари*

# БАЛҚИБ ЯШНАЁТИР САҲРОИ АЗИМ

*Ўзбекистон нафақат ўзини ўзи таъминлайдиган, балки четга чиқаришга нефть, нефть маҳсулотлари, газ ва, умуман, иқтисодиётнинг асоси бўлмиш тармоқларга эга.*

*Ислом КАРИМОВ.*

***Ўзбекистондек ёш эгамен давлат учун иқтисодий мустақилликнинг нечоғли аҳамиятга молик эканлиги ҳаммага аён. Бунинг мазмун-моҳиятини, айниқса, халқимиз теран тушунади.***

***Маълумки, ҳозирги кунда республика ёқилғи-энергетика балансининг 70 фоиздан ортиқроғини нефть ва газ ташкил этади. Шунинг учун биз, аввало, устивор йўналиш-нефть мустақиллигига эришишга азму қарор қилгандек. Яратганга шукурки, бу эзгу мақсадимиз аста-секин ушалмоқда. Бултур нефть ва газ конденсати қазиб олиш 1991 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайгани, бундан ҳам муҳимроғи, охирги уч-тўрт йил ичида Ўзбекистонга четдан олиб келинаётган нефть ва нефть маҳсулотларини 6-7 карра камайтирганимиз бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу далиллар куни кеча ўз ишини тугатган янги парламентимиз — Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида ифтихор ила таъкидлаб ўтилди.***

***Ана шу ютуқлар асосан қайси манбалар ва омиллар ҳисобига қўлга киритилмоқда? Республиканинг нефть ва нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш учун қанақа ишлар амалга оширилмоқда? Умуман, Ўзбекистон ёқилғи-энергетика тизимининг истиқболи қандай?***

***Бу ва бунга ўхшаш саволлар мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини, ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган барча кишиларни қизиқтириши табиий. Шуни ҳисобга олиб, қолаверса, ёқилғи-энергетика саноатидаги ўзгаришларни ўз кўзимиз билан кўриш, таассуротларимизни эса муштарийларга ҳикоя қилиб бериш ниятида биз яқинда Қашқадарё вилоятида бўлдик. Нега айнан мазкур воҳа танланди?***

***Куни кеча Нишонда ёвшан оралаб,***
***Нортуя қувганлар айтсинлар аён,***
***Қашқадарё дея сўзга очсанг лаб,***
***Чексиз бир саҳрони англарди жаҳон.***
***...Нечук қувонмайин бугун мен, балқиб***
***Яшнаса минг йиллик саҳройи азим.***

***Дарҳақиқат, ҳассос шоиримиз Абдулла Орипов лутф этганидек, шимолдан Самарқанд, шимоли-ғарбдан Бухоро, жануби-шарқдан Сурхондарё, жануби-ғарбдан Туркманистон Республикаси, шимоли-шарқдан Тожикистон Республикаси билан чегарадош, яъни 28,4 минг квадрат километр майдонни эгаллаган бу вилоятда бугун тамомила ўзгача манзара. Унинг Китоб-Шаҳрисабз, Қамаши-Ғузор текисликларида, Қарши, Нишон ва Сандиқлиқум чўллари ўрнида боғ-роғлар, пахтазорлар, ғаллазорлар, сабзавот экинлари шовуллаб турибди. Самолётда Қаршига бораётганингизда эса бепоён кенгликларга назар ташласангиз, албатта, яшил майдонлардан ташқари, асфальт йўлларнинг тасмаларини, темир йўл изларини, завод ва фабрикаларни, қўрғон ва шаҳарларни, ҳатто янги-янги барпо этилаётган иншоотларни кўрасиз. Улар орасида, айниқса, Кўкдумалоқ нефть, Шўртан ва Муборак газ конлари, Толлимаржон ГРЭСи республика иқтисодиёти тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Келгусида бу иншоотларнинг ҳиссаси тағин-да ортади.***

***Кўкдумалоқ нефть, Шўртан ва Муборак газ конлари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Толлимаржон ГРЭСи... Бу иншоотларда бугун ҳаёт қайнамоқда, минглаб одамлар қишнинг изғиринларию ёзнинг жазирамасини писанд қилмай, юртим деб, элим деб ёниб яшамоқдалар, республикамиз мустақиллигини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар.***

***Биз «Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика ресурслари» деган янги рукн остида газетамизнинг бугунги сонидан эътиборан шулар ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчимиз. Биринчи мақоламиз эса Шўртан хусусида.***




Бу — Қарши ва Ғузор шаҳарлари оралиғида жойлашган, бир чети Амударёнинг ўнг қирғоғигача чўзилиб кетган текисликнинг номи

Ушбу маконда газ кони топилгунга қадар «Ғузор» давлат наслчилик заводининг қўй-қўзилари боқиларди. Етмишинчи йилларнинг бошларида геологлар «Нефть ва газ бор» деб тахмин қилинган жойларга ҳавозалар тиклаб, бурғилаш ишларини бошлаб юбордилар. Улар дастлаб тузли қатламга дуч келишди. («Шўртан» сўзи аслида «шўрхок жой» деган маънони англатмайдими, айрим жойларда ер ости суви кўтарилиши оқибатида тупроқнинг устки қисмига ҳам туз тепчиб чиққанди). Тузли қатламдан қуйироқдан олинган тупроқ таркиби намуналари таҳлил қилингач, геологларнинг фаразлари исботланди: 2,6 минг метр чуқурликдан кучли газ оқими отилиб чиқди. Лекин мутахассислару қидирувчилар бу билан чекланиб қолмадилар. Улар коннинг заҳирасини аниқлаш мақсадида нафақат Шўртанда, балки Бўзахўр ва Тандирчи ҳудудларида ҳам тадқиқот ва текширув ишларини олиб бордилар.

Шундай қилиб, бу конда жами 195 та қудуқ бурғиланиб, газнинг улкан заҳираси топилди. Уни қазиб олиш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда Шўртанда газни турли ифлосликлардан тозалайдиган, ундан олтингугурт ажратиб оладиган, конденсат ҳосил қиладиган ва «зангори олов»ни истеъмолчиларга узатадиган қудратли, ниҳоятда мураккаб муҳандислик иншоотлари ҳамда қурилмалар барпо этилган. Қайта ишлаш корхонасида эса, Ҳамдўстлик мамлакатлари ва чет элларда тайёрланган замонавий жиҳозлар, асбоб-ускуналар ўрнатилган. 70-йилларнинг охирида ташкил этилган Шўртан газ конлари бошқармаси ана шундай кўламию миқёси кенг юмушларнинг барчасини мувофиқлаштириб ва такомиллаштириб бормоқда.

— Таркибида олтингугурт бўлган газдан маиший хизматда файдаланиш инсон саломатлиги учун бир мунча хавфлидир, — дейди бошқарма бошлиғи Абдулла Абдуназаров. — Негаки, у ёнганда заҳарли газлар ажралиб чиқади-да. Иккинчидан, олтингугуртли газ ишлатилганда қувурлар тез ишдан чиқади. Бу эса халқ хўжалигига катта зиён етказади. Аҳоли соғлиғини муҳофаза этиш, қувурлар емирилишининг олдини олиш мақсадида биз газни турли ифлосликлардан, сувдан тозалаш билан бирга, унинг таркибидаги олтингугуртни ҳам ушлаб қолиш усулларини муваффақият билан қўллаётирмиз.

Биринчиси — паст ҳароратли тозалаш қурилмаси бўлиб, унда газ турли ифлосликлар ва олтингугуртдан халос этилади. Бу ерда 4 та қурилма ишлаб турипти. Иккинчиси циолет ёрдамида газни олтингугуртдан тозалаш эса энг самарали усулдир. Циолет чет эллардан валюта эвазига келтириляпти.



Шуниси қувончлики, мана бир неча йилдирки, Шўртан газ конларидан олинаётган арзон ёқилғи Сирдарё ва Тошкент ГРЭСларига юборилаяпти. Шунингдек, диаметри бир метрлик қувурлар ёрдамида Муборакдаги йирик газ тақсимлагич қурилмасига, у ердан эса республикамизнинг турли саноат марказларига, шаҳар ва қишлоқларига, Ҳамдўстлик мамлакатларига, Қарши — Келиф бош газ қувури орқали эса Сурхондарё вилояти ҳамда Тожикистон Республикасига жўнатилмоқда.

Шўртан газ конлари бошқармаси қароргоҳидан 21 километр нарида Марказий Осиёда энг йирик — йилига 3,2 миллион киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилувчи Толлимаржон ГРЭСи қурилмоқда. Чўлда бунёд этилаётган ушбу нурхона ҳам Шўртан гази ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталамиз. Фақат ҳозирча шуни айтиш керакки, газ кони мутасаддилари ана шу масофага қувур ётқизиб, газ етказиб бериш тараддудини аллақачон кўриб қўйишган. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса ГРЭСнинг йилига 800 минг киловатт-соат электр қуввати ҳосил қиладиган дастлабки блоки ишга туширилиб, нур бера бошлайди.

Бундан ташқари, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ёқилғи-энергетика мажмуи шўъбасининг мудири Камол Эрназаровнинг (яқинда у бошқа лавозимга ўтди) таъкидлашича, Шўртан газ конларидан ҳар йили қувурлар орқали халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжи учун ўртача 21 миллиард куб метр «зангори олов» етказиб берилаётир.

Шўртан ишчи-хизматчилари фақат газ қазиб олиш, уни буюртмачиларга ва ҳожатмандларга жўнатиш билан шуғулланиб қолаётганлари йўқ. Бу ерда ҳар йили бир неча минг тонна газ конденсати ҳам ҳосил қилиниб, нефтни қайта ишлаш корхоналарига юборилади. Маълумки, ундан энг сифатли бензин олинади.

Ўтган йили эса Шўртанда аҳоли эҳтиёжи учун суюлтирилган газ тайёрлайдиган қурилма ишга туширилганди. Натижада бу соҳадаги тангликка бирмунча барҳам берилди. Айни кунларда яна тўртта шундай қурилмани тиклаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Улар ишга тушгач, ҳар бирида қўшимча 65 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқариш имкони яратилади.

Табиий газ — табиат эҳсони. Бироқ у инсон ақл-заковати туфайли мўъжизага айланмоқда. Мутахассисларнинг эътироф қилишларича, Шўртан газ конлари заҳирасидан ҳозирдагидек фойдаланилган тақдирда, у бир неча ўн йилга етади. Демак, биз яна шу муддат мобайнида ана шу беминнат ёқилғини хотиржамлик билан ишлатишимиз, халқ хўжалиги тармоқларини тағин-да ривожлантиришга эришишимиз мумкин.

Лекин ҳаёт бир жойда тўхтаб турмаганидек, ишлаб чиқариш тараққиёти газ таркибидаги ўнлаб кимёвий моддалардан омилкорлик билан фойдаланишимизни, уни инсон бахт-саодат йўлида сарфлашимизни тақозо этаётир. Шу боис шўртанлик мутахассислар газ конденсатини шу ернинг ўзида қайта ишлаб, бензин ва дизель ёнилғисига айлантириш тараддудида изланмоқдалар. Ана шу эзгу ниятнинг ижобати сифатида ҳозиргача бирталай ишлар ҳам бажариб қўйилди. Режа тўлиқ амалга оширилгандан кейин эса конденсатни Фарғонага жўнатишга, ундан олинган бензинни Шўртанга қайтариб келишга ҳожат қолмайди. Барча оворагарчиликлар барҳам топиб, транспорт харажатларига чек қўйилади.

Шу билан бирга, келгусида Шўртанда йирик кимё комбинати барпо этиш мўлжалланмоқда. Бу ерда газни қайта ишлаш жараёнида олтингугурт ва бошқа маъдан — минераллар олинади. Улардан эса рўзғорбоп идишлардан тортиб, кийим-кечак учун асқотадиган хомашё — газламалар тайёрланади.

Шўртан — республикамизнинг ана шундай истиқболли қазилма бойликларидан бири. Жамоада эса шу кеча-кундузда 1700 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар, мутахассислар сидқидилдан меҳнат қилишаяпти. Уларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 1000 сўмни ташкил этмоқда. Айни чоғда ходимларга бунга қўшимча равишда 52 фоизли устама, 75 фоизгача мукофот ва бепул сут берилаётир. Ғузор ва Қарши шаҳарларидан қатнаб ишлаётган ходимларга махсус машиналар ажратилган. «Дўстлик» давлат хўжалиги меҳнаткашлари йил мобайнида газчиларни деҳқончилик маҳсулотлари билан таъминлаб турибди. Ошхона, чойхона ва маиший корхоналар эса уларга хизмат қилаётир.

Муҳими — ишчи-хизматчилар ва муҳандислар ёрқин истиқбол сари шахдам қадам ташлаб, об-ҳавонинг ҳар қандай қийинчиликларини мардонавор енгиб, ёш мамлакатимизда ёқилғи-энергетика мустақиллигини тезроқ таъминлаш, халқ хўжалиги ва аҳолининг «зангори олов»га бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**Пўлат ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи»нинг махсус мухбирлари.**

# МЕНИНГ ЎҒРИГИНА... АКАМ!

## ЁКИ СИГИРЛАР ҲАМ СПИРТ ИЧИШАДИМИ?

*(фельетон)*

***Олтинсой туманидаги Шакарқамиш вино заводининг хизматчиси Турдиали Муродов бир иш қилган эди, хатолиғ бўлди: Денов туманидаги «Москва» жамоа хўжалигида истиқомат қиладиган Шарофиддин Боботов, Нортожи Эшонқулов деган йигитлар қўлбола ароқ ва уни тайёрлашда керак бўладиган бир қанча анжомлар билан мелисанинг қўлига тушди.***

Мелисалар ҳалиги йигитларга айтдики, агар Афлотун бўлсаларинг ҳам спиртсиз ароқ тайёрлай олмайсизлар, шунинг учун гапни чўзмасдан, сизларни спирт билан таъминлаган таъминотчини айтасизлар. Шарофиддинлар Турдиалибойни... айтди! Мелисалар кечаси Турдиалибойни зинғиллатиб олиб кетишди.

Шундан сўнг дарров учовлон қамоққа олинди.

Мен бу воқеалар ҳақида Турдиали ака билан гаплашдим.

— Нега, дарров бўйнингизга олдингизми?

— Барибир фойдаси йўқ эди, шунинг учун ҳамма гапни айтдим.

— Сизни «сотган» шерикларингиздан хафа бўлганингиз йўқми?

— Уларнинг ҳам изидан одам тушган экан-да...

1994 йил 24 январь куни Денов туман суди бу ишни кўрди.

Суд ҳукмидан кўчирма: **«... судланувчи Боботов Ш. 1993 йил 30 август куни ўзининг жиноий шериги Эшонқулов Нортожи билан ...Муродов Турдиалининг Олтинсой бирламчи вино заводида ишлаётганидан фойдаланиб, у билан ҳар бир литр спиртни 2000 сўмдан гаплашиб, яширин равишда жиноий йўл билан қўлга киритилган 100 литр спиртни 200.000 сўмга келишиб, 5 дона 20 литрлик конистрга қуйиб... Оқтом участкасидаги Эшонқулов Нортожининг уйига тушириб...»**

«Қўлболачилар» 40 литр ароқ тайёрлаб қуйган пайтда қўлга тушган. Ароқ қопқоқлайдиган электр ускуна, қўлда ишлатиладиган яна шуидай асбоб, 490 дона ярим литрлик шиша идиш, 1300 дона «Русская водка» ёрлиғи, 240 дона «Денауский винзавод» деган тамғаси бор қопқоқ, 100 литр спирт, 16 дона 20 литрлик идиш, 5 та алюмин фляга, бирваракайига 5 та шишага ёрлиқ ёпиштирадиган мослама, елим ва бошқа нарсалар далилий ашё сифатида олинган.

Бундай далилий ашёлар ва энг муҳими, суд ҳукмидан келтирилган юқоридаги парчани ўқиб, судья Ўткир Раҳмонов бу учовлонни қаттиқ жазолаган бўлса керак деб ўйлашингиз турган гап.

Озроққина сабр қилиб, суд ҳукмини ўқишда давом этамиз: **«Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Муродов Турдиалига Ўзб. Р. ЖК 132-модда 3-қисм, 17-181-модда 3-қисм билан айб эълон қилинган бўлса-да, суд Муродовнинг ҳаракатидан ЎзбР ЖК 132-модда 3-қисмини чиқариб, уни шу моддалар билан оқлашни лозим топади.»**

Тергов Т. Муродовга қандай айб қўйган эди? Ўзбекистон Жиноят кодексининг 132-модда, 3-қисмини ўқиймиз: **«Жиноий йўл билан қўлга киритилган мол-мулкни била туриб, олдиндан ваъда қилмай олиш.**

**Ушбу моддада назарда тутилган, такроран ёки кўп миқдорда ёҳуд уюшган гуруҳ томонидан содир этилган хатти-ҳаракатлар — мол-мулкини мусодара қилиб, етти йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».**

Турдиалибой ва унинг икки шериги худди ана шу айбдан озод қилинмоқда. Нега? Марҳамат. Эшитинг: суд ҳукмидан яна кўчирма:

**«Чунки судланувчи Муродов Ўзб. Р. ЖК 132-модда 3-қисмида кўрсатилганидек, шу 100 литр спиртни жиноий йўл билан бировдан сотиб олган эмас, у 100 литр спирт қолдиқларни илгаридан шу ернинг ўзида сақлаб юрган. Спирт учун пул олган эмас. ...Булардан ташқари, Муродов Боботов ва Эшонқуловларнинг ароқ тайёрлаб сотишидан бехабар бўлган.»**

Турдиалибой вазифасига кўра оддий ишчи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам белгиланган тартиб бўйича спирт сақланадиган омборнинг калити унга берилмаслиги керак. У 100 литр спиртга эгалик қилиш учун ё уни ўғирлаб олиши лозим, ё «спиртчи» билан тил бириктириши, тўғрироғи, харидор билан «спиртчи» ўртасида воситачилик қилиши мумкин. Бундан ташқари, 100 литр спиртни сотиб олган одам уни сигирга бермаслиги ҳаммага маълум, буни фақат судья Ўткир Раҳмонов билмайди! Яна: идишнинг тагида қолган... эмиш! Барака топгур, идишнинг тагида қолдирсангиз... спирт қолади, бўлмаса қолмайди.

Судда гувоҳ сифатида кўргазма берган завод директори Нурали Муродов сўзидан: **«Турдиали менинг акам бўлади. Акам спиртни сотмаган бўлса керак. Ҳақиқатан ҳам цестерналарнинг тагида спирт қолиб кетади... уларни винога қўшиб бўлмайди.»**

Аммо ҳеч ким далилий ашё сифатида турган ва қўлбола ароқ тайёрлаш учун олинган спиртга қиё ҳам боқмайди. Агар шундай қилинса, омонат важларнинг ҳаммаси спиртга ўхшаб ҳавога учиб кетар эди.

Авжи келган Ўткир Раҳмонов Турдиалининг икки ҳамкори қўлбола ароқларни сотиш учун тайёрламаган деган антиқа хулоса чиқаради. Аммо ундан ҳеч ким «Минглаб ароқ шишасига ёпиштириладиган ёрлиқлар қаердан келган?» деб сўрамайди.

Суд ҳукмидан кўчирма: **«Муродов Турдиали Ўзб. Р. Ж К. 130-модда 2 қисмдаги ҳаракати Ўзб. Р. Ж К нинг 125-модда 1-қисмига қайта квалификация қилинсин. Бу модда «Фуқароларнинг мол-мулкини яширинча талон-тарож қилиш (ўғирлик)»** деб аталади. Давлат корхонасидан ғишт эмас, спирт ўғирлаб сотган одамнинг айби бу моддага мутлақо тўғри келмаслиги кўриниб турипти, аммо, ҳатто давлат прокурори ҳам... жим!

Шундай қилиб, суд Турдиалибойни 2 йил озодликдан маҳрум қилди. Биласизми, ҳозир у киши жазо муддатини қаерда ўтаяптилар? Жиноят қилган жойида... бригадир: итоатида 15 нафар ишчи бор! Суд бўлиб қамоқда ётган ўша январь ойи учун эса 26 минг сўм-кўпон иш ҳақи, 85 минг сўм-купон мукофот пули олди. Яшириб нима қиламиз-озодликда юрган фуқаролар бу ерга оддий ишчи бўлиб жойлашолмайди, Турдиалибой эса маҳкум ҳоли билан — бригадир! Тўғри, укаси директор, аммо ҳисобни бўри егани йўқку!

Умуман, Турдиали ака яхши одам-чекмайди, лекин ароқдан парҳез қилмайдилар, ҳатто, оз-оздан отиб туриш саломатлигига наф қилар эмиш. Мен у киши билан яна бир бор суҳбатлашдим:

— Турдиали ака, сиз ҳаётдан розимисиз?

— Бўлмасам-чи!

— Ҳозир ҳам спирт олиб чиқиш мумкинми?

— Бўлмайдиган иш борми!

Ўткир Раҳмоновдай судьялар омон бўлса, мен ҳам жон деб спирт сотар эдим, бунинг иложи йўқ, чунки бегоналар ичкарига киритилмайдида...

**Мухбир иловаси:**

Турдиалибой... айшини суриб юраверсин, гапни биздан эшитинг: табиийки, у жазонинг... оғирлигидан ҳеч кимга шикоят қилмади, аммо... «Буниси қандоқ бўлди?» дегувчилар топилди — орадан шунча вақт ўтиб мазкур жиноят иши қайта кўрилди. Ана энди у «Юз литр спиртни хуфия қўлболачи ароқфурушларга сотганлигим учун етти йил қамалиб кетавераманми!» деб шикоят хатлари ёзиб ётган... бўлиши мумкин.

**Тожиддин РАЗЗОҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*• «Халқ сўзи» ва «Правда Востока» газеталари ташаббуси билан тарихий жойларга экспедиция бошланди*

# ҚАДИМИЙ ЙЎЛЛАР БЎЙЛАБ — ТЕМУР ВАТАНИГА

***Шарқнинг буюк ҳукмдорининг 660 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкентдан чиққан илмий экспедиция Амур Темур даври ёдгорликлари ва тарихий жойлар билан боғлиқ йўналиш бўйича айланиб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. У 1991 йилдан бошланди ва айни шу баҳор кунларигача давом этиб келди. Бу галги босқич Фарғона водийси, Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудлари бўйлаб давом этади.***




Маълумки, биринчи йўналиш Амур Темур фаолияти ва ҳаёти билан тарихий боғланган Самарқанд — Қарши — Бухоро бўйлаб, иккинчиси соҳибқирон асос солган, буюк салтанатни ўз ичига олувчи Жанубий Қозоғистоннинг кенг ҳудудлари бўйлаб уюштирилган эди. Экспедиция ташкилотчилари — Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий қўмитаси ва унинг бош ҳомийси — «Ўртаосиёэлектроаппарат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси экспедиция қатнашчилари учун кўпгина самарали ишларни амалга оширди. Улар орасида таниқли олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, фан ва маданият намояндалари бор.

Бу йилги илмий экспедиция ҳам юбилей тадбирлари доирасига киради. Экспедиция, олимларнинг тахмини бўйича, Амир Темур туғилган кунга, яъни 9 апрелга тўғриланди. Экспедиция аъзолари кўпгина тадбирларда, «Амир Темур ва унинг бутун жаҳон тарихидаги ўрни» мавзусидаги илмий конференцияларда, ёшлар билан учрашувларда, концерт дастурларида қатнашади.

ЮНЕСКО қарорига кўра, Амир Темурнинг 660 йиллиги жаҳон илмий жамияти томонидан келаси йилнинг октябрь ойида кенг нишонланади. Унга тайёргарлик кенг миқёсда олиб борилаяпти. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси «Амир Темур туғилган куннинг 660 йиллигини нишонлаш ҳақида» махсус қарор қабул қилди. Вилоятларда байрам тадбирларини ўтказиш ва унга тайёргарлик кўриш бўйича ташкилий қўмиталар тузилган. Темурийлар давридан қолган маданият ёдгорликлари таъмирланаяпти. Юбилей тантаналари бўйича дастур ишлаб чиқилди. Асосий тантаналар соҳибқирон ватанида — Самарқандда ўтказилади. Бу ерда машҳур ёдгорликлар — Гўри-Амир мақбараси, Бибихоним масжити ва мақбараси, Шоҳи-Зинда меъморий мажмуаси ва Регистон ансамбли майдонини таъмирлаш бошланди. Мирзо Улуғбек мадрасаси ва Тилла-Қори масжити тикланаяпти. Бу барча такрорланмас қадимий архитектура асарлари Амир Темур авлодлари кўз олдида ўзининг асл қиёфасида ва рангида жилоланади. Улар «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» илмий-ҳужжатли фильм кадрларида ҳам ўз аксини топади. Фильмни экспедиция қатнашчилари ўзларининг қадимий тарихий ўлка бўйлаб саёҳатлари давомида суратга олишмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида буюк ҳукмдор ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ жойлар жуда кўп. Уларнинг кўпчилигини «Темурийлар даври маданияти ва санъати» халқаро туристик йўналишига киритиш мўлжалланган.

**Г. САОДАТОВА,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**

# «БИРНИКИ МИНГГА, МИНГНИКИ ТУМАНГА»

**Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй,
«Халқ сўзи» газетасига.**

*Мана шу манзилда жойлашган муҳарририятга бир кунда ўнлаб ана шундай хатлар келади. Конвертларни очиб, мактуб сатрларига кўз югуртириб, газетанинг ҳар бир саҳифаси, ундаги мақолаларнинг ҳар бир сатри устида тўкаётган кўз нуримиз зое кетмаётганлигидан кўнглимиз таскин топиб: «Ўзингга шукр», деймиз. Маънавиятимиз, миллий урф-одатларимиз, ғуруримиз, ўзлигимизга қайтиш борасида биз, журналистлар нималарга кўпроқ эътибор бермоғимиз, қайси мавзуларни кенгроқ ёритмоғимиз лозимлиги хусусида ҳақли эътирозлар билдирилган хатларку бизга ўз камчиликларимизни тузатишимизда дастуриламал. Яна бир турфа хатлар борки, уларнинг муаллифлари кўпроқ ёши ўтган, кўпни кўрган нуроний ота ва оналар, пиру бадавлат боболар. Улар ёзган мактублардаги ўгитлар холисаниллоҳ, фақат ва фақат эзгу ниятда, халқимизнинг ўзлигига қайтишда, қадриятларимизнинг камол топишида энг қисқа, энг енгил, энг ибратли йўл-йўриқ кўрсатиб, айтилган дил сўзлари, оқ фотиҳаларидир.*

*Бугунги кунимиз файзи, маҳалла ва қишлоғимиз кўрки бўлган бундай оқсоқолларимиз ўгитларидан фойдаланмаслик, уларни дилга жо қилмаслик, ҳалолликка, ростгўйликка бўлган бундай даъватларни илғамаслик, бизнингча, маънавий карахтликдан бошқа нарса эмас.*

*Карахт қалблар уйғониши учун, ёшларга, ҳаётда ўз ўрнини тополмаётган айрим ўрта ёш кишиларга сабоқ бўлсин учун, ана шундай мактублардан бирини сиз, азиз ўқувчиларга ҳавола этаётирмиз.*

## ОДОБ ВА ПОКЛИК

Одоб недур?

У, аввало, ота-онага самъей бўлмоқ, улар хизматини адо этиб, дуосини олмоқ, улар ўгити, панду насиҳатини дилга жо этиб, ака-укага, қариндош-уруғга меҳр-мурувватли, ҳалим бўлмоқдир.

Юзлаб йиллар давомида ота-боболаримиздан бизларга мерос бўлиб келаётган бу сифатлар бугун ўз ўрнидами? Ёшларимиз одоби рисоладагидекми? Ана шу ўйлар мени сизларга мактуб ёзишга ундади.

Маълумки, одоб оиладан, ота-онадан бошланади. Ҳар бир уйдан одобли, саводли, комил фарзанд чиқиши учун, энг аввало, ўша хонадон пок, ҳаром-ҳаришдан, бировнинг ҳаққига хиёнат қилишдан йироқ бўлмоғи лозим.

Болалик йилларимда қишлоқ оқсоқоллари уйимизга тўпланишиб (раҳматли отам ўшанда мени ёнига ўтқазиб, булар суҳбати ғанимат, қулоғингга қуйиб ол, дердилар), одоб-ахлоқ, поклик, хайру барака ҳақида суҳбат қуриб, китобхонлик қилишарди. Шунда қулоғимда қолганлари, бир кун ҳалол меҳнат қилиб рўзғор тебратиш, ҳалол луқма билан фарзанд тарбиялаш, куни бўйи тинмай ибодат қилгандан афзалроқ, деган сўзлар нақадар баҳосиз гавҳар эканлигини бугун ёшим бир жойга етган кунларда тушуниб ўтирибман.

Мамлакатимиз озод ва ҳур диёрга айланиб, Ўзбекистоннинг қадр-қиммати, обрў-эътибори ортиб бораётган бугунги кунда бобомерос қадриятларимизни ёшларимиз ўқиб-ўрганиши, унга амал қилиши бизга ниҳоятда зарур. Чунки орадаги бўшлиқ — шўро тузуми даври бизга бирни берган бўлса, ўнни халқимиз қалбидан юлиб олиб кетди, шу жумладан, маънавий қадриятларимизни ҳам. Қуръони Каримлар ёқилган, масжидлар бузилган, илм аҳли қатағон қилинган ўша йилларда одобу аҳлоқимиз, ҳалолликка мойиллигимиз ҳам ўзимизга яраша бўлиб қолди.

Президентимизнинг холисаниллоҳ кўрсатмалари, халқимиз маънавиятини юксалтириш борасидаги йўл-йўриқлари асосида бугун одамларда Ислом ақидаларига мойиллик сезилаяпти. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом кўрсатмаларига амал қилишга рўйхўшлик берилмоқда. Лекин ана шундай бир паллада ёшларимизнинг одобу аҳлоқи, ўзини тутиши, турмушнинг арзимас қийинчиликларидан зорланиши кишини ўйлантиради. Қуръони Карим таълимотидан, ота-боболаримиз қолдирган бебаҳо маънавий меросдан қанчалар йироқлашганимиздан афсусланасан киши.

Чунки Аллоҳ таоло каломида биз, бандаларни доимо сабрга, одобга, покликка чақиради. Ваҳоланки, ўтмиш аждодларимизнинг барчаси бу кўрсатмаларга амал қилиб келишган. Шу туфайли ҳам ўзбекнинг қадри доимо баланд бўлган.

Бирор қишлоқ ёки овулда бирор киши озгина гуноҳ иш қилиб қўйса, айтайлик, эҳтиёж сабаб, қўшниси хонадонидан, уй эгасидан сўрамасдан кетмони ёки ўроғини олиб чиқиб кетди ёҳуд қўшниси номига бошқа бир қишлоқ ё тумандан, шаҳардаги биродари омонат бериб юборди-ю, у эҳтиётсизлик қилиб уни ўз эҳтиёжига сарфлаб қўйди. Бу ғайриодатий ҳол кўпчилик ичида дарҳол муҳокама қилинган. Ўша одам қўни-қўшнилар олдида изза этилган. Агарда бу ишни атайлаб қилган бўлса, уни шу қишлоқ ёки овулдан кўчиб кетишини талаб қилганлар. Чунки бирнинг ёмон одати мингга, минг кишиники эса бутун бир туманга ёйилиш хавфидан ота-боболаримиз жуда эҳтиёт бўлишган. Шунинг учун ҳам ўтмишда, ҳар қандай оғир шароитда ўғирликлар, киши ҳаққига хиёнат қилишлар, ҳаром ризқ топиш сифатлари жуда кам бўлган. Оқсоқоли доно маҳаллада, овулда, қишлоқда ҳаттоки нина ҳам йўқолмаган.

Ана шуларни ўйлаб, юртбошимизнинг маҳаллаларга нечоғлик эътибор қилаётганликлари қанчалар савоб эканлигини ҳис қиламан.

Бугун фаолият кўрсатаётган маҳалла қўмиталари ва бўлимлари номигагина иш юритмаслиги керак. Уларнинг аъзолари, аввало, ўзлари пок ниятли, нафс балосидан йироқ, бировнинг ҳаққидан қўрқадиган тақволи кишилар бўлиши зарур. Ана шундагина бундай маҳаллаларда ёшлар одобига, уларни сабр-бардошли, Ватанга меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялашга бутун куч, билим сарфланади. Унинг мевасини эса, иншооллоҳ, яна 15 йиллардан кейин кўрасиз. Чунки, ўша йилларга бориб иншооллоҳ, одобли ва пок қалбли жамоалар кўпайиб, ҳамманинг нияти холис — шу юртни фаровон, тўкин-сочин қилиш, унинг дахлсизлигини мустаҳкамлаш, ўзини севгандек севиш, соғиниш сифатлари баркамол бўлган авлод тарбия топиб, вояга етади...

Бугун мени ўйлантираётган яна бир нарса шуки, ёшларимизнинг кийиниш одоби. Ҳар хил оврупо молларининг одат тусига кириб бораётганлиги ёшларимиз тарбиясига ўз таъсирини ўтказади. Чунки жаҳон бизларни Шарқ деб, шарқликлар деб, тан олган, оврўполиклар деб эмас. Шундай экан, кийинишимиз, юриш-туришимиз, ўзимизни тутишимиз ҳам шарқона, шарқликларга хос бўлиши керак-да!

Ягона ниятим, инсофу адолатли, халқига қайишадиган, ҳаромдан ҳазар қиладиган раҳбарлар кўпайса, масжидларга бориб, поклик, одобу аҳлоқ, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатишни даъват қилувчи имомлар вазъини тинглайдиган, қалбига жо қиладиган ёшларимиз, биродарларимиз сафи ортса. Бугунги Наврўз кунларимиз, Ийд ҳайитларимиз, миллий байрамларимиз қадр-қиммати янада юксалса.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло мамлакатимизни обод ва тинчлигини доимо барқарор қилсин. Дастурхонимиз тўкин-сочин, ризқимиз кенг бўлсин. Ана шу тилакларни доимо, беш вақт намоз сўнгида Худодан тилаб, машаққатли, ҳалол ва савобли ишларингда барака тилаб:

**Қ. СУЛАЙМОНОВ,**
**II-гуруҳ меҳнат ногирони.**
**Жиззах вилояти, Зомин тумани.**

# «ЯХШИДУР АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ»

Ассалому алайкум, ҳурматли муҳарририят ходимлари!

Аввало, сизларни яна безовта қилаётганим учун узримни қабул этгайсиз. Бундан олдинги мактубимда қурилиши чала ётган, давлат минг-минглаб пул сарфлаб тикка қилган, деворлари ёғин-сочиндан нурай бошлаган янги мактаб биноси ҳақида ёзгандим. Ушбу мактубимни чоп этганингизда хайрли ишга қўл урганингиздан кўп қувондик. Газета танқиди билан энди ишлар жонланса керак, дея умид қилгандик. Афсус, чала қурилиш ҳалиям чалалигича ётибди. Бу боқибеғамликлардан ҳафсаламиз пир бўлиб турган бир пайтда «Маърифат» (1994 йил, 21 декабрь) газетасида туман ҳокими Очил Гуловнинг интервьюси босилиб чиқди. Буни қарангки, ҳоким бува халқдан уялмай-нетмай ёлғон маълумот бериб, ҳаммани лақиллатмоқчи бўлибдилар. Ҳоким сўзларини айнан келтирамиз: «Бир йил муқаддам Беруний номли давлат хўжалигида 320 ўринли мактаб биноси қуриб берилган бўлса, бу йил 6 та янги мактаб қуриш ишлари ниҳоясига етказилди».

Бу гапларни ўқиб, ҳайратдан ёқа ушлаймиз. Биз бу ёқда аҳвол ночорлигидан куйиб, болаларимиз тарбияси, уларнинг келажаги ҳақида қайғуриб газетага хат ёзиб, мадад кутиб ётсагу...

«Халқ сўзи — ҳақ сўз» деган саҳифа бизга жуда маъқул. Ўйлайманки, бошқа минглаб газетхонлар ҳам шу фикрда бўлишса керак. Чунки, унда халқимизнинг дилидаги гаплар очиқ-ойдин ёзилаяпти. Саҳифада чоп этилган танқидий мақолалар жойлардаги ночор аҳволларниннг ўнгланишига сабабчи бўлмоқда. Менинг яна бир фикрим, саҳифадаги танқидий мақолалар руҳини янада кучайтириш лозим. Чунки бугун биз бир дард — «боқибеғамлик», «боқимандалик»ка мубтало бўлганмиз. Бу касалликдан қутулишнинг бирдан-бир йўли ўзликни англаш, аччиқ бўлса-да, бор ҳақиқатни юзимизга айтиб, бир-биримизнинг камчилик ва нуқсонларимизни тузатишдадир.

Яна бир гап. Ҳар қандай танқид ўз натижасини берсагина ҳақиқий танқид бўлади. Бу эса сизга, бизга, ҳаммамизга боғлиқ.

**Т. САНАҚУЛОВА.**
**Косон туманидаги Беруний номли жамоа хўжалигининг Ҳалима қишлоғи.**

*• Миннатдор қалб изҳори*

## БИР ҲОРДИҚ ЧИҚАРИБ КЎРИНГ, КЕЙИН РАҲМАТ АЙТАСИЗ

Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги фахрийлар санаторийсида бўлганмисиз? Қадрли тенгдошларим, бормаган бўлсангиз, Қрим ва Сочини орзу қилиб ўтирмай, шу масканда бир ҳордиқ чиқариб кўринг, кейин раҳмат айтасиз. Чунки мен бу ерда бешинчи маротаба бўлишим. Ҳар сафар саломатлигимни тўла тиклаб, қушдек енгил бўлиб қайтаман.

Уруш ва меҳнат фахрийларига хизмат кўрсатувчи бу даво маскани беқорга кўпчилик тилига тушмаган экан. Санаторийда дам олиш ва даволаниш учун ҳамма шароитлар муҳайё. Шифобахш сувлар, шағам билан даволаш хоналари, қадим шарқона уқалаш муолажаси, электр нурлари билан даволаш усуллари малакали врачлар томонидан амалга оширилади. Улар эрта-ю кеч сизнинг саломатлигингиз ҳақида қайғурадилар. Айниқса, биз, қарияларни бу ердаги шифокорлар ва хизматчиларнинг муомала маданияти, ҳар бир беморнинг кўнглига қараб суҳбатлашиш одоби ҳушнуд этмоқда. Қолаверса, нонушта, тушлик ва кечки овқатларнинг хилма-хиллигини, тўйимли ва мазадорлигини кўриб, ошпазларга тасаннолар айтасан киши.

Бугунги айрим етишмовчиликларга қарамасдан, ҳамма шароитларни рисоладагидек қилишга уринаётган савобталаб санаторий жамоаси меҳнатини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш, менимча, фойдадан холи бўлмаса керак.

**Гулзуҳра БАДАМШИНА.**



*Булунғур туманидаги дон маҳсулотлари корхонаси йилига 15-20 минг тонна донни қабул қилиш, сақлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш қувватига эга. Лекин республикамизда, хусусан, Самарқанд вилоятида дон етиштириш кўпайиб бораётганлиги корхона жамоаси олдига унинг қувватини кескин ошириш вазифасини қўймоқда.*

*Ҳозир корхонада иш қизғин. Янги, замонавий қурилиш давом эттирилмоқда. Донни асраш учун майдончалар ҳозирланяпти.*

*СУРАТДА: корхона директори Қўйлибой Алмаматов (ўнгда) омбор мудири Файзулло Ражабов билан қилинажак ишлар хусусида суҳбатлашмоқда.*

**Н. АЛМУРОДОВ** олган сурат.



# ХАЛҚ СЎЗИ–ҲАҚ СЎЗ



**МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ–ХАЛҚИМИЗНИНГ ИЗЗАТИНИ ЖОЙИГА ҚЎЙИШ**

## ҚОРНИМГА ЭМАС, ҚАДРИМГА ЙИҒЛАЙМАН

*Мен тўрт йилдирки, газеталарингизни мунтазам ўқиб бораман. Ундаги хилма-хил мавзуларда ёзилаётган мақола ва суҳбатлар, камчиликларга муросасизлик билан билдирилаётган ҳаққоний фикрлар доимо мени мамнун этади.*

Киши руҳан эзилиб турган пайтда Президентимизнинг газетангизда чоп этилаётган маърузалари, учрашув ва йиғилишлардаги нутқлари, кам таъминланган оилаларга ғамхўрлик қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги қатор фармонлари кўнглимни тоғдек кўтаради. Лекин, афсуски, биз томонларга у кишининг айтган оқилона гаплари ҳа деганда етиб келмаётир. Йўқса, туман ҳокимлигига 1994 йил декабрь ойида ёзган аризам ҳанузгача жавобсиз қолармиди?

Нима қилай, тақдир экан, 1978 йили турмуш ўртоғим вафот этди. Етти нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказиш, ўқитиш, едириб-ичириш масъулияти менинг зиммамга тушди. Ташвиш бир келса келаверар экан, 1986 йилда уйимизга ёнғин тушиб, бир лаҳзада ҳаммаёқ кулга айланди. Болаларим билан қочиб чиқиб, ўзимизни сақлаб қолдик. Қарангки, ўзимизни ҳам, молжонимизни ҳам суғурта қилмаган эканмиз, ёрдам пули ололмадик. Яхшиямки, қишлоғимизда меҳр-шафқатли кишилар бор экан. Уйимизни эпақага келтириб беришди. Бугунга келиб аҳволимиз яна ночорлаша бошлади. Ўзим шу пайтгача Самарқанд ун комбинатига қарашли «Ленинчи» оромгоҳида ишлар эдим. Бир неча ойдирки, иш ҳақимни ололмайман.

Ана шундай тушкун ҳолатда ўтирганимда почтальон яна газеталарингизни олиб келиб қолди. Шуларнинг бирини очиб қарасам, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқларини чоп этган экансизлар. Ўқиб руҳим яна кўтарилди. Шундай оғир дамларда у кишининг порлоқ келажагимизга қилаётган даъватлари, ҳалолликка, руҳий ва маънавий покликка чақириқлари, ҳуқуқий давлат қуришга киришганимиз қалбимга далда бўлди. Шундай ўйларга бораман: майли, бугунги жузъий қийинчиликлар даври ҳам ўтиб кетади, иншооллоҳ. Киши руҳан ва маънан тушкунлик гирдобида турган бир пайтда, туман раҳбарлари бизни қўллаб-қувватласа, ночорлигимиз сабаб, моддий ёрдам беришса, арздодимизни ўз вақтида тинглашса.

**Олтиной ХАЛИЛОВА.**
**Ургут туманидаги Облоқул Узоқов номли жамоа хўжалиги.**

## ОСМОНСОЙГА БИР КЕЛИБ КЕТИНГ

Биз яшаётган қишлоқ туман марказига 12 чақирим келади. Қишлоғимизнинг юздан зиёд аҳолиси туман маркази — Форишга қатнаб ишлайди. Улар орасида хотин-қизлар ҳам талайгина. Сайёд, Баландосмон, Осмонсой, Илончи, Жайрахона, Туқай, Оқтепа, Қўйбулоқ қишлоқлари аҳолиси ҳам туман марказига қатнаш жабрини энг кўп тортганлардан. Чунки, бир йилдирки, тумандаги 111-автокорхонадан ажратилган автобуслар тақа-тақ тўхтаган. Туман марказига қатновчилар тонг қоронғусида туриб йўлга чиқадилар. Ўткинчи машиналарга ялиниб-ёлвориб чиқиб олишади. Яхшиямки, бизнинг қишлоққа ижарачи машиналар қатнайди. Лекин уларнинг нафси ҳам ўпқон. 12 чақирим юрсангиз ҳам, бир чақирим юрсангиз ҳам, 10 сўм пул тўлайсиз.

Форишдаги касалхонага, бозорга борувчилар, бирор зарурат юзасидан туман марказига тушувчилар орасида уруш ва меҳнат фахрийлари, қаҳрамон оналар, ёш болали аёллар ҳам талайгина. Энди уларнинг пиёда қатнашини ёзнинг жазирама кунларида, қишнинг қаҳратон совуқларида бир тасаввур қилиб кўринг-а?

Бизни ичимлик суви ва газ муаммоси ҳам қийнаб келаяпти. Чунки, Форишдаги хонадонлар газлаштирилгач, қишлоқларга суюлтирилган баллонли газ келтириш тўхтатилди. Мана бир йилдирки, газ олганимиз йўқ.

Тоғ бағридаги, марказдан узоқ, назоратчилар кўзидан панароқ қишлоқда истиқомат қилаётганимизданми, ҳарқалай, қишлоғимиз дўконида ҳам тартиб-интизом путурдан кетган. Рўйхат билан тақсимланадиган турли зарурий маҳсулотларни ўз меъёридан анча кам миқдорда оламиз. Масалан: пахта ёғи 250 грамм, шакар 150 граммдан 600 граммгача. Дўкон мудиридан «Нега бундай?» деб сўрасак, «Юқоридан ўзи шундай кам берилган», — дейди. Шу тўғрими?!

Осмонсой қишлоғида яшовчи аҳоли номидан:

**Жўра Ғаппоров,**
**Ўнгор Сатторов,**
**Аҳмад Ортиқов,**
**Даврон Саъдуллаев**
**ва бошқалар. Жами 39 имзо.**

## МАЙМУН ЙИҒЛАГАН ҚИШЛОҚ

*Деҳқонобод туманидаги «Қўнғирот» жамоа ширкат хўжалиги ҳудудидаги Калча қишлоғи аҳолиси ҳолини кўрса маймунлар йиғлаши мумкин.*

Чунки қишлоқ аҳолиси ариқ бўйида сувга ташна. Ярим чақиримча наридан «Бошбулоқ — Оқиртин» сув қувури ўтказилган, аммо калчаликлар ҳанузгача водопроводга зор. Қишлоқда яшовчилар бирбир ярим чақирим масофадан эшакка бидон ортиб сув ташишга мажбур. Қиш ва баҳорнинг ёғин-сочинли кунларида тизза бўйи лой кечиб эшак билан сув келтирмоқ илинжида йўлга чиққан катта-ю кичикнинг аҳволи танг бўлади. Бу ҳақда хўжалик раҳбари Тожи Холтўраевга бўзчининг мокисидай қатнайвериб, юрагимиздаги дарду-ҳасратларни тўкиб солавериб ҳафсаламиз пир бўлди. Энди бутун умидимиз «Халқ сўзи» газетасидан. Зора тепса тебранмас раисимизни инсофга келтириб қўйса.

Қишлоқ аҳли номидан:

**Парда ҲАКИМОВ.**

*• Мададталаб мактублар*

## ТРУБАЛАРНИ ПУЛЛАГАН БОШҚА-Ю, ЖАБРИНИ «ТЎЛҚИН»ЛИКЛАР ТОРТАЯПТИ

*«Халқ сўзи»нинг 1994 йил 27 июль сонида Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидан ёзилган бир мактуб чоп этилганди. Унда шу тумандаги «Тўлқин» жамоа хўжалигининг айрим хонадонлари арзимас сабаблар билан 1992 йилги газлаштириш режасидан тушириб қолдирилганлиги баён қилинган бўлиб, аҳолининг туман раҳбарларига ҳақли эътирозлари келтирилганди. Орадан кўп ўтмай, бу танқидий мақола юзасидан Амударё туман ҳокимининг жавоб хати олинди ва у газетанинг 7 октябрь сонида чоп этилди.*

Хўш, камчилик танқид қилинди, унга тегишли раҳбарлар жавоб ҳам беришди. Лекин ўша жойдаги аҳвол ўнгландими?

Бунга редакцияга келган мана бу мактубдан жавоб топамиз.

«Аҳоли хонадонларини газлаштириш ва ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида Президентимизнинг фармони чиққач, 1992 йилнинг бошида биз яшаётган хўжаликда ҳам хонадонларни газлаштириш бошланган эди. Ўша пайтда 200 хонадон газлаштирилди, афсуски, орадан кўп ўтмай, қўшниларимизнинг уйигача келтирилган трубалар бирдан ғойиб бўлди. Кейин билсак, бизга тегишли бўлган минг метр трубани кимдир пуллаб юборибди. Ҳамма қатори бизлар ҳам ўша сотиб юборилган трубалар учун минг сўмдан пул йиғиб бергандик.

1992 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб хўжалигимиздаги кўплаб аҳоли хонадонларида об-овқат газда пишириляпти. Фақат олтита хонадон аъзолари бу қулайликдан бенасиб бўлиб, оқбош, янтоқ, похол ёқиб кун ўтказаяпти. Раисга учрасак, «Сенлар арз қилаверасанлар, барибир аризаларинг менга келади. Қўлларингдан келганини қилинглар», — деб бақириб берди.

— Агар труба келса албатта газ ўтказиб бераман, — деб юрган туман ҳокими Баҳром Жуманиёзов ҳам бугунга келиб тўнини тескари кийиб олди. — Мен сенларга газ ўтказиб бераман деб, депутат бўлмаганман. Қолаверса, олдингидай депутатлар наказ олишмайди. Газ масаласини аллақачон бошимдан соқит қилганман. Бу иш билан энди «Чойкул» қишлоқ кенгаши оқсоқоли Мақсад Матназаров шуғулланади. Хўжалик раиси Чўтбой Усмоновга мурожаат қилинглар, ана ўшалар бош қотирсин, деди.

Биз яқиндагина, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлигига ўтказилган сайловда туман ҳокимининг номзоди учун овоз бергандик. Наҳотки, сайловчиларга эътибор шу бўлса?

Ҳоким ҳузуридан қайтгач, маҳалла оқсоқолига ҳам, хўжалик раисига ҳам учрашдик. Иккала раҳбарнинг ҳам жавоби битта: «Труба йўқ, излаяпмиз, топилса қуриб берамиз».

Бизнингча, трубалар энди туянинг думи ерга текканда топилса керак...

Ҳурматли муҳарририят ходимлари! Дардимизни айтиб шикоят қилмаган идорамиз қолмади, эндиги бор умидимиз сизлардан. Ҳурмат ва эҳтиром билан, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги «Тўлқин» жамоа хўжалигининг биринчи бригадасида истиқомат қилувчилар:

**Икром Холмуродов,**
**Ўрозгул Есамуродова,**
**Мадиёр Раҳимов,**
**Гулнора Бекманова,**
**Олимжон Холмуродов,**
**Зевар Ортиқова**
**ва бошқалар».**

*• Сўраган эдингиз...*

## МОДДИЙ ЁРДАМ НИМА БЎЛАДИ?

***— Мени тўрт болам бор. Турмуш ўртоғим анчадан бери бетоб. Бизга, ойига 250 сўмдан, кам таъминланган оилалар қатори моддий ёрдам бериб турилар эди. 1995 йил январь ойидан бошлаб уни тақиқлаб қўйишди. Сабаби, бизни оилада ишловчилар сони кўпайиб, ёрдамга ҳожат йўқ деган хулосага келинган эмиш. Боқилаётган қўйларни ва эски машинани ҳам назарда тутиб рад қилишипти. Шу тўғрими?***

**К. ҚОСИМОВА. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани.**

— Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 12-моддаси талабларига кўра, комиссия томонидан текширилаётган оиланинг таркиби унда бирга яшовчилар ва бирга умумий рўзғор юритувчилар ҳисобга олинади. Шунингдек, оиланинг текшириш вақтидаги жами пул даромадларининг манбалари ва миқдори, участка майдони ва ундан даромад олиш, оила мол-мулкининг қиймати (дала ҳовли, автомобиль, мотоцикль ва зеб-зийнатларнинг мавжудлиги) ҳам комиссия томонидан инобатга олиниб, хулоса чиқарилади. Шуни ҳам эслатиш лозимки, комиссия оилага моддий ёрдам тайинлаш ҳақидаги аризани оилада моддий таъминотни етарлилиги, қанча мол-мулк жамғармаси мавжудлиги, шунингдек, меҳнат фаолиятидан бош тортиш ҳоллари аниқланган тақдирда рад этиш ҳуқуқига эга. Демак, сизнинг оилангизни ҳам моддий таъминоти етарли деб топилган бўлиши мумкин.

## НАФАҚАНИ ҲАММА ҚАТОРИ ОЛАВЕРАСИЗ

***— Мен бошқа давлатдан кўчиб келиб яшаётганимга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ҳозир пенсия ёшидаман. Айтингчи, пенсия тайинлаш тартиби мен учун қандай бўлади?***

**Қ. АЮБОВ. Термиз шаҳри.**

— Амалдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддасига биноан, бошқа давлатлардан кўчиб келган, Ўзбекистонда муқаддам ишламаган фуқароларга пенсиялар республикамиздаги тегишли касб ҳамда малакадаги ходимларнинг пенсия тайинланаётган вақтидаги ўртача ойлик иш ҳақига асосланган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Бордию, бундай касб ҳамда малакалар республикада бўлмаса, ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб беради.

## СИЗ ҲАМ ШУНДАЙ ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШИНГИЗ МУМКИН

***— Мен ҳарбий хизматни яқинда тугатганман. Олий ўқув юртига ўқишга кириш ниятим бор. Айтингчи, бизга ўхшаш ёшлар учун ўқув юртларига киришда тест имтиҳонларини топширишда ҳукуматимиз томонидан бирор енгиллик белгиланганми?***

**О. КАРИМОВ. Андижон шаҳри.**

— Ҳа, белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 октябрдаги 496-сонли қарорига асосан, республиканинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилишда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳолда ҳарбий қисмларнинг тавсияномаларига эга бўлганларга ўқишга кириш учун имтиёзли шароитлар яратилиб, тест синовлари чоғида улар тўплаган балларига энг кўп тўпланиши мумкин бўлган баллар миқдорининг 10 фоизи миқдорида қўшилади. Демак, сиз ҳам шундай имтиёздан фойдаланишингиз мумкин.

**Жавобларни ҳуқуқшунос Абдужалил ҲАСАНОВ тайёрлади.**

